

Вилоят ҳокими Ш.Абдураҳмоновнинг “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танловининг ҳудудий финал босқичи иштирокчилари билан учрашувдаги табрик

С Ў З И

Ассалому алайкум азиз меҳмонлар!

Ассалому алайкум “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танловининг финал босқичи иштирокчилари!

Сизларни моҳир саркарда, улуғ шоир Бобуршоҳ юрти Андижонга ҳуш келибсизлар, дейишга руҳсат бергайсизлар.

Муҳтарам Президентимизнинг **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак”**, деган доно сўзлари Сиздек иқтидорли ёшларнинг етишиб чиқишингиз, дунёни эгаллашингиз мақсадида айтилган.

Сизларнинг порлоқ келажагингизни кўзлаб айтилган мана шу қудратли сўзлар тенгдошларингиз орасида мамлакат миқёсида пешқадам бўлишингизга олиб келди.

Бугун Сизларнинг ёниб турган кўзларингизга қараб, мамлакатимиз порлоқ келажагининг ёрқин юлдузлари билан учрашиб турганимдан қалбим қувончга тўляпти.

Азизлар!

Фурсатдан фойдаланиб, танловнинг барча иштирокчиларига ҳаётда доимо омад ёр бўлишини, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кўтарилишига ўз ҳиссангизни қўшишларингизни тилайман.

Кириб келаётган **“Янги йилингиз муборак бўлсин”**. Янги йил ҳаммамизга янги омадлар олиб келсин.

Эътиборингиз учун раҳмат.